Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 291 (5882)
19 ДЕКАБРЬ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг олий органи — шу ташкилот сессиясининг Москвада бўлиб ўтган 41-(навбатдан ташқари) мажлисида сифат жиҳатидан янги негиздаги ҳамкорликни кенгайтиришнинг кенг кўламли, истиқболли вазифалари белгилаб берилди. Унда Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукумат бошлиқлари даражасида делегациялар қатнашдилар. Сессия қатнашчилари фан-техника тараққиёти базасида экономикани интенсивлаш шароитида Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг конкрет йўллари ва формаларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, белгилаб чиқдилар.

Кремлда учрашув

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг 41-(навбатдан ташқари) сессияси ишида қатнашаётган ҳукумат делегацияларининг бошлиқлари ва қардош партиялар Марказий Комитетларининг секретарлари билан 17 декабрь куни Кремлда учрашди.

Учрашувда: БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Г. Филипов, БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БКП Марказий Комитетининг секретари, БХР машинасозлик министри О. Дойнов; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси,ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСИП Марказий Комитетининг секретари Ф. Хаваши; ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари То Хиу, Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВСРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили Чан Куйнь; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГДР Министрлар Советининг Раиси В. Штоф, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари Г. Миттаг; Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Куба Республикасининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги доимий вакили К. Р. Родригес, Куба Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси, Куба Республикасининг СССРдаги элчиси Л. Сото; МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Д. Содном, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Моломжамц; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси З. Месснер, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Марказий Комитетининг секретари М. Возьняк, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дзсксэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РКП Марказий Комитетининг секретари Ш. Андрей; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари М. Якеш қатнашдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков ҳозир бўлди.

М. С. Горбачев учрашув қатнашчиларини самимий табриклаб, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг сессияси социалистик ҳамдўстлик турмушида муҳим воқеа эканини уқтириб ўтди. У Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача мўлжалланган фан-техника тараққиёти Комплекс программасини тайёрлаш соҳасида коллектив бўлиб қилинган ишни юқори баҳолади.

Социалистик тузум фан-техника революцияси чўққиларини эгаллаш учун жуда катта имкониятлар беради. Социализмнинг афзалликларини тобора тўла-тўкис намоён этиш, мамлакатларимизнинг иқтисодий, социал, маънавий қудратини тез кўпайтириш, уларнинг технология соҳасидаги мустақиллиги ҳамда империализмнинг тазйиқи ва пўписасидан хайиқмаслиги бу соҳадаги муваффақиятларимизга боғлиқдир. Фан ва техниканинг энг янги ютуқлари негизида ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш сари қатъиян бурилиш, куч-ғайратларни бирлаштириш, ҳамкорликнинг энг муҳим соҳаларида янада мустаҳкам, янада яқиндан баҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш орқали бунга эришиш мумкин.

Комплекс программанинг амалга оширилиши, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга, қардош мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиши лозим, бу эса шу мамлакатлар олий раҳбарларининг учрашувларида келишиб олинган умумий йўлга тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

КПСС Комплекс программани амалга оширишни умумдавлат, умумпартия вазифаси, сиёсий вазифа деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитети совет коммунистлари, хўжалик активларини ҳамдўстлик мамлакатлари илмий муассасалари ва корхоналарининг замонавий технологияни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида биргаликдаги фаолиятида зўр ғайрат билан қатнашишга йўналтиради.

XXI аср техникасини яратиш собитқадамликни, ижодкорлик, ташаббускорлик учун кенг уфқ очилишини талаб қилади, деб уқтирди М. С. Горбачев. Мамлакатларимизда буларнинг ҳаммаси бор. Бу соҳада барча меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг ташаббуси, ижтеъдодлари намоён бўлиши учун кенг майдон очилади. Аслида бизнинг олдимизда сифат жиҳатидан янги вазифалар пайдо бўлди. Шу сабабли ишларни ташкил этишга ҳам, айниқса, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашида янгича ёндашиш лозим.

Комплекс программа муштарак манфаатларга мос бўлиб тушади. Тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳаёт, практика синовидан ўтган принциплари бу программага асос қилиб олинган. Бутун ҳамдўстликнинг имкониятлари ва мақсадлари эътиборга олинган тақдирда, ялпи қудратимизга таянилган тақдирдагина миллий вазифалар ҳам тезроқ, ҳам самаралироқ ҳал этилишини тажриба кўрсатиб турибди.

Социализм етакчи империалистик давлатларга хос бўлган технологик ажратиб қўйиш ва гегемонизмга қарши чиқади. Комплекс программа барча манфаатдор социалистик мамлакатларнинг фан-техника соҳасидаги ўзаро алоқаларда актив қатнашишларини назарда тутади. Биз ўз куч-ғайратларимизни бирлаштирар эканмиз, бирмунча кенг халқаро илмий-техникавий ҳамкорликдан воз кечмаймиз, албатта.

Социализм мамлакатларининг Ер юзида мустаҳкам ва одилона тинчлик учун курашдаги манфаатлари барча халқларнинг орзу-умидларига мувофиқ келади. Шу муносабат билан қуролсизланиш ва космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўймаслик, бутун дунёда халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, олий даражада ўтказилган Женева учрашувларининг якунлари юзасидан эълон қилинган Совет—Америка баёнотининг қоидаларини амалий равишда рўёбга чиқариш учун изчил, собитқадам курашнинг муҳимлиги яна таъкидланди. Қардош социалистик давлатларнинг келишиб олинган ташқи сиёсат йўли бундан буён ҳам жаҳон сиёсатининг мустаҳкам амалий омили бўлиб хизмат қилаверади, деб ишонч билдирилди.

Бўлиб ўтган суҳбат охирида М. С. Горбачев КПСС XXVII съездига қандай тайёргарлик кўрилаётганини гапириб берди.

Учрашувда қатнашган қардош мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари номидан сўзга чиққан Г. Филипов суҳбат ва самимий қардошларча иззат-икром учун, Совет Иттифоқининг социалистик иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга қўшаётган жуда катта ҳиссаси учун миннатдорчилик изҳор этди.

Учрашув самимий вазиятда, тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

(ТАСС).

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ— КПСС XXVII СЪЕЗДИГА!



ЯНГИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида созловчи пневмотормоз ричагларига ишлов бериш учун мўлжалланган янги тугал роботлаштирилган автоматик линияни тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бу линия «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг цехларидан бирида ўрнатилади. Мазкур линия бир йилда 500 мингтагача деталь ишлаб чиқариш, 41 агрегат станогидан ва 40 ишчидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ишлаб чиқариш майдонларидан унумли фойдаланиш имконини беради.

«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси махсус станоксозлик конструкторлик-технология бюросининг бошлиғи, коммунист Геннадий Софоклович Чеврениди ана шу линиянинг асосий ижодкорларидан бири.

Бирлашма Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналари билан мустаҳкам амалий алоқалар ўрнатган. Фақат сўнгги бир ярим йил ичида бу ерда вал, подшипник қопқоқлари, турли деталларга механик ишлов берадиган қатор мукаммал автоматлаштирилган линиялар ишлаб чиқилиб, тайёрланди. Бундан ташқари Тошкент трактор заводида, бошқа корхоналарда 20 та саноат роботлари жорий этилди. Шунингдек, 10 та роботлаштирилган технологик комплекслар монтаж қилинди, рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар тайёрланди. Бирлашмада ишлаб чиқилган янгиликлардан Тошкент машинасозларигина эмас, Волгоград, Рязань, Херсон ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари машинасозлари ҳам фойдаланишяпти.

СУРАТЛАРДА: Геннадий Чеврениди (чапда) ва махсус агрегат станокларини тайёрлаш бўлим мудирининг ўринбосари Константин Шегай янги линияни кўздан кечиришяпти; олтинчи разрядли чархловчи-токарь Виктор Пак юксак малакали мутахассис. Унга масъулиятли топшириқ— герметик кабинали янги пахта териш машиналарининг деталларини тайёрлаш ишониб топширилган.

С. Величкин фотолари. УзТАГ фотохроникаси.

● Пойтахт қурилишларида

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ!

КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, мамлакатимиз коммунистларининг навбатдаги съездини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга ҳозирлик кўраётган Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестнинг 53-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган Х. Эрдонов бошлиқ бригада коллективи беш йиллик планни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида ғалаба рапорти берди. Дурадгорлар бригадаси беш йиллик пландаги 660 минг сўмлик ўрнига 872,5 минг сўмлик қурилиш ишларини поёнига етказдилар. Бу планга нисбатан 132 процентни ташкил этди.

Беш йилликнинг ўтган йиллари мобайнида бригада коллективи мактаб, интернат, турар жой қурилишлари ва бошқа бир қатор маданий-маиший объектларда фидокорлик намунасини кўрсатди.

— Бундай муваффақиятларга, — дейди бригадир мухбиримиз билан бўлган суҳбатда, — қурилиш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, иш вақтини зичлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришдик. Партиямизнинг съездолди ҳужжатлари ғайратимизга ғайрат қўшди, коллективимизни янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Айни пайтда зиммамизга социалистик мажбурият олиб ишлаяпмиз. У ҳам бўлса йил охирига планга қўшимча 50 минг сўмлик қурилиш ишларини бажаришдир.

● Коммунист намунаси

ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШМОҚДА

КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездишарафига бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этаётган «Миконд» заводининг коллективи маҳсулот ҳажмини ошириш билан бирга сифатини яхшилашга эришмоқда. Бу ерда тайёрланаётган буюмлар фақат республикамиздагина эмас, мамлакатимиз аҳолиси томонидан ҳам иштиёқ билан харид қилинаяпти. Кор. хонада ишлаб чиқаришни интенсивлаш, фан-техника ютуқларини жорий қилиш туфайли натижалар тобора яхшиланяпти.

Меҳнат беллашуви ишлаб чиқаришнинг янги резервларини топиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, хом ашё ва энергетика ресурсларини тежашнинг янги қирраларини топиб бермоқда. Натижада умумий кўрсаткичлар тобора яхшиланиб боряпти. Шахсий беллашувда эса коммунистлар намуна кўрсатишяпти. С. Раҳимов, В. Фетисовлар ҳозир келгуси йил ҳисобига маҳсулот тайёрлашяпти. Корхонанинг ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари партия анжуманини очиладиган кунга қадар 1986 йилнинг икки ойлик планини бажариш мажбуриятини олишди.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига актив тайёргарлик кўрилаётганлиги барча идеология ходимлари, жумладан лекторлар олдига нисбатан қаттиқ талаблар қўймоқда. Улар кишиларнинг диққат-эътиборини янгича шароитда ишлашга, фан ва техника ютуқларини кенг жорий этиш негизида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг партия белгилаб берган йўлини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган туб масалаларни ҳал этишга қаратишлари керак. Республика «Билим» жамияти правлениесининг 18 декабрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленумида шу ҳақда гапирилди. Унда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети 1985 йил октябрь Пленуми материалларини пропаганда қилиш соҳасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Янги таҳрирдаги КПССнинг Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан партия Устави мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари ҳозирги босқичда партиянинг программавий мақсадларини, бош йўлини, унинг иқтисодий стратегияси ва амма орасида олиб бориладиган идеология ишларининг методларини белгилаб берганлиги таъкидланди. Съездолди ҳужжатларини пропаганда қилиш ва тушунтиришда, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини белгиланган планларни муваффақиятли бажаришга сафарбар этишда лектор кадрларнинг тағин ҳам фаолроқ иштирок этишларини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Пленумда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти ташкилотларининг лекция пропагандасини янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари ҳам кўриб чиқилди. Лекцияларнинг илмий савияси ва самарадорлигини кескин равишда ошириш зарурлиги таъкидланди. Лекциялар ўқишни, лектор кадрларни тайёрлашни мунтазам планлаштиришни, уларнинг тематик йўналишини белгилаб беришни, топширилган иш учун масъулиятни оширишни кўзда тутувчи чора-тадбирлар лекциялар илмий савияси ва самарадорлиги оширилишини таъминлайди. Оғзаки пропаганда усталари лекциянинг сифати юқори савияда бўлиши тўғрисида тағин ҳам кўпроқ ғамхўрлик қиладилар, илғор тажрибаларни кенг оммалаштирадилар, республикада идеология ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирилди.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Бугун ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари шаҳар Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Сессияда халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг 1985 йилдаги ишлари тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Тошкент шаҳрини 1986 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани тўғрисида ва 1985 йилги планнинг қандай бажарилаётгани ҳақидаги, 1986 йилги маҳаллий бюджет тўғрисида ва 1984 йилги бюджетнинг ижроси ҳақидаги масалалар, шунингдек, халқ депутатлари шаҳар Совети план-бюджет ва бошқа тармоқ комиссияларининг қўшимча доклади кўриб чиқилди.

Сессияда, шунингдек ташкилий ва бошқа масалалар кўрилди.

(Сессия иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг яқин сонида босилади).

ЎЗБЕК ПЬЕСАСИГА МУКОФОТ

«Халқ билан партия бирдамдир» — ана шу шиор остида Москвада бўлиб ўтган ёш драматурглар нинг Бутуниттифоқ конкурсида республикамиз вакили, ёш шоир Тўра Мирзонинг «Тонгги трамвай» пьесаси конкурс жюриси томонидан юксак баҳоланиб, иккинчи мукофот билан тақдирланди. Адабий зиёлилар савиясини ошириш, қардош республикалар ёш ижодкорларининг етук асарларини Бутуниттифоқ китобхонига таништириш, улар яратаётган асарларнинг ғоявий бадиийлигини кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу конкурс театр коллективлари репертуарини янги асарлар билан бойитишда ҳам катта роль ўйнайди.

«Тонгги трамвай» пьесаси ижтимоий-публицистик руҳ билан йўғрилган, қаҳрамонларнинг гражданлик эътиқоди жонли, ҳаётий воқеалар мисолида ёритиб берилган. Шу жиҳатдан олиб қараганда мазкур саҳна асари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига, бу қарорларнинг амалдаги ўзгаришларда ўз ифодасини топиши билан ҳамоҳангдир.

Айни пайтда конкурс жюриси мукофотланган саҳна асарларини Москвадаги «Искусство» ва «Советская Россия» нашриётларида чоп этишга қарор қилди.

Сўз—бунёдкорларга

Ишончни оқлаб

П. САВЧУК.

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармаси «Пардозлаш» трестининг 28-қурилиш бошқармаси бўёқчилар бригадири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

— 1966 йил комсомол йўлланмаси билан зилзиладан зарар кўрган Ўзбекистон пойтахтини қайта тиклаш учун жонажон Тугулшчиндан Тошкентга келдим. Шундан буён бу шаҳар менга қадрдон бўлиб қолди. Мендан қурувчилик маҳоратини ўрганган бригадамдаги йигит ва қизлар ҳам қадрдонларимдир.

Орадан қарийб йигирма йил ўтди. Бугунги кунда камтарин меҳнатларим Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлди. Мен жонажон Коммунистик партиямиз олдида ҳар қанча қарздорман десам муболаға бўлмайди. Мен унинг ҳамма ғамхўрликларидан баҳрамандман. Бизнинг Ватанимизда фидокорона меҳнат юксак баҳоланади, юксак гражданлик масъулияти қадрланади. Шунинг учун ҳам бизда донгдор, машҳур, хизмат кўрсатган кишилар жуда кўп.

Мен Тошкент шаҳрида бошланган «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусининг ижодкорларидан бири ҳисобланаман. Бригадамиз ўзининг социалистик мажбуриятини шараф билан уддалаяпти. Ҳозир ўн биринчи декада ҳисобига меҳнат қиляпмиз. Бу йил кўплаб уй-жой, мактаб, поликлиникаларни фойдаланишга топширишда қатнашдик. Айни пайтда граждан авиациясининг Самолётсозлар шаҳарчасидаги янги турар жой микрорайони қурилишида меҳнат қиляпмиз. Бу ерда 1-уйсозлик комбинати ишчилари учун қурилаётган уйни пардозлаш чиқаряпмиз. Буни КПСС XXVII съезди очилиши арафасида уйсозларга туҳфа этамиз.

● Умри боқий дўстлик

КОСМОНАВТГА СОВҒА

Ёш техниклар яратган бу автомодель кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Чиндан ҳам ана шу кичик модель Тошкент шаҳар ёш техниклар станцияси «Автодизайнер» лабораториясининг навбатдаги ютуқларидан бири бўлди.

Оғирлиги 50 килограмм келадиган мазкур машинанинг узунлиги 1,45 метр. Унга икки от кучига тенг келадиган двигатель ўрнатилган бўлиб, соатига 40 километргача йўл босолади.

«Автодизайнер» лабораториясига ўз касбининг моҳир устаси В. А. Ашкин бошчилик қилиб келмоқда. Кейинги йилларда бу ерда 30 га яқин турли кичик машиналарнинг лойиҳалари яратилди. Булар орасида ўзи юрар велосипед ҳам ажралиб туради.

Шу йилнинг баҳорида «Ижод қил, ўйлаб топ, синаб кўр!» деган шиор остида ўтказилган велофестивалда ана шу ижод аъзолари учинчи ўринни қўлга киритдилар. Ёш ихтирочилар бу кичик машинани космонавт-учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Жонибековга совға этишга қарор қилдилар.

А. АЛИЕВ.

● Эртага—ягона сиёсий кун

ОЗИҚ-ОВҚАТ РЕСУРСЛАРИ ИСРОФ БЎЛМАСИН

— Эртага Тошкентда ўтказиладиган ягона сиёсий кунининг мавзуи ана шундай. Умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган масалалар муҳим аҳамиятга эгадир. Озиқ-овқат ресурсларини тежаш ва уни кўпайтириш, бу — фаровонлигимизнинг ошиши демакдир. Бу масала бизнинг ҳар биримиз шуғулланишимиз лозим. Иқтисод режимини кучайтириш бу кисқа муддатли кампания бўлмай, балки ҳар бир иш кунида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, хўжалик юритиш ва сиёсий йўлйўриқларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ҳақда эртага муфассал сўз юритилади. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича навбатдаги вазифалар кўриб чиқилади.

Телетайп лентасидан

ПАРИЖ. Франция президенти Франсуа Миттеран ўз мандати тугагунга қадар давлат бошлиғи лавозимида қолиш ниятида эканлигини айтди. У Франциянинг «ТФ-1» телекомпанияси эшиттиришида гапириб, келгуси йилнинг март ойига белгиланган парламент сайловлари натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, у Республика конституциясига мувофиқ ўз лавозимида қолишини ва аввалгидек ҳукумат фаолиятини бошқариб туришини айтди. Ф. Миттеран бўлажак сайловларда Социалистик партия сиёсий ҳаётда яна етакчи ўринни эгаллайди, деб ишонч билдирди.

ЖАЗОИР. Бу ерда Жазоир революцияси тарихини ёзиш бўйича учинчи миллий семинар иш бошлади. Семинар қатнашчилари — тарихчилар, олимлар, ёзувчилар, журналистлар, миллий-озодлик ҳаракати ветеранлари 1956—1958 йилларда Жазоир халқининг мустамлакачиликка қарши кураши тўғрисидаги ҳужжатларни, махсус докладларни ва мана шу кураш қатнашчиларининг хотираларини таҳлил этадилар.

НЬЮ-ЙОРК. «Прэтт энд уитни» компанияси заводларининг декабрь бошларида маъмурият ўзбошимчалигига қарши норозилик забастовкасини бошлаган беш мингдан ортиқ ишчиси ўз талаблари қондирилишига эришди. Авиация двигателлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилаётган компания эгалари забастовка вақтида жуда катта зарар кўриб, ишчилар касаба союзига забастовкачиларнинг талабларига мос келадиган янги меҳнат шартномаси тузишни таклиф этдилар.

(ТАСС).

ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ

КПССНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ ПРОГРАММАСИ, ТАКЛИФ ЭТИЛАЕТГАН УЗГАРТИШЛАР БИЛАН ПАРТИЯ УСТАВИ, СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БУЛГАН ДАВРГА МУЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙУНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА.

• Қурувчи минбари

Меҳнат календарида— 1991 йил

Коллективимиз съезд олди ҳужжатларини қизғин муҳокама қилмоқда. Ҳаётимиз Программаси бўлмиш бу ҳужжатлар бизни янги марралар сари илҳомлантириб юборди. Айниқса, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг Капитал қурилиш бўлимида айтилган гапларига тўла-тўкис қўшиламиз. Унда биз бунёдкорларнинг капитал қурилиш соҳасидаги истиқбол вазифаларимиз аниқ белгилаб берилган.

Асосий йўналишлар лойиҳасида, айниқса унинг иккинчи бандида **«Беш йилликда халқ хўжалигига капитал маблағ сарфлаш 18—21 процент ва пудрат ишлари ҳажми 15—16 процент оширилсин»** деган сўзлар ғоят муҳимдир. Шунингдек, **«бригада пудрати равнақ топсин, бригадалар йириклаштирилсин, уларнинг ишини ташкил этиш такомиллаштирилс н н»** деган сўзлар бугунги ҳақиқатга жуда ҳам тўғридир. Чунки бригада пудрати методи ўзини оқламоқда. Ҳозирда Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли бўлинмаларда кўплаб бригадалар илғор иш усулларида ишлашиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Чунончи, бизнинг бригадамиз ҳам ана шу метод асосида ишлаб қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Жумладан, ўз зиммамизга олган юксак социалистик мажбуриятни — бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини муддатидан илгари муваффақиятли адо этдик. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажаришга эришдик. Ҳозир бригадамиз 1991 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Беш йиллик пландаги 1 миллион 445 минг сўмлик ўрнига 2 миллион 947 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардик. Ана шу даврда 22 минг сўмлик қурилиш материалларини тежаб қолдик.

Шу кунларда партия ҳужжатларини ўзимизга дастуруламал қилган ҳолда бугун кечагидан, эртага бугунгидан самарали меҳнат қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Асосий мақсадимиз — мамлакатимиз коммунистларининг бўлажак XXVII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишдир. Бунинг учун бизда пухта замин яратилган. Биз съезд шарафига мажбурият олиб ишлаяпмиз. Беш йиллик охирига қадар ўн бир йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилдик. Бу эзгу ниятнинг амалга ошиши учун барча ишлаб чиқариш резервларидан унумли фойдаланишга интиламиз.

Р. ГАЙНУЛЛИН,

Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси бригадири, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.

• Бизнинг таклифларимиз

ИШЧИ КОЛЛЕКТИВИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ҳозир ҳамма жойда КПССнинг XXVII съездига тайёргарлик ишлари авж олдириб юборилган. Меҳнат коллективлари мамлакат коммунистларининг энг катта анжуманига муносиб туҳфалар билан бориш иштиёқи билан яшамоқдалар. Айни пайтда партиянинг улкан сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлари умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Зеро, уларда истиқбол режалари муфассал таърифлаб берилган, халқимизнинг хоҳиш-иродаси ёрқин аксини топган.

Ҳуқуқ муҳофазаси органларининг ходимлари ҳам партиянинг энг муҳим ҳужжатлари лойиҳаларини ўрганиб чиқмоқдалар ва ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён этмоқдалар. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасини ўрганиш пайтида менда ҳам бир фикр пайдо бўлди. Чунончи, лойиҳанинг «Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш» бўлимида шундай дейилади: **«Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонунининг қоидаларини изчил амалга ошириш таъминлансин, планларни ишлаб чиқишда, ишлаб чиқариш-хўжалик ва социал характердаги вазифаларни ҳал этишда уларнинг роли кўпайтирилсин».** Бу жуда ўринли вазифа. Айни пайтда **«изчил амалга ошириш таъминлансин»** деган сўзлар **«изчил қўлланилиши таъминлансин»** деб таҳрир қилинса аниқроқ бўлар эди.

К. КОМИЛОВ,

Собир Раҳимов район халқ судьяси.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



КПССнинг XXVII съезди шарафига бошланган зарбдор ўн кунликларда меҳнат коллективлари актив иштирок этишиб, эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилялти. «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи партиянинг съездолди ҳужжатларини атрофлича муҳокама этар экан, янги беш йиллик учун ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилишмоқда. Корхонада ташкил этилган съездолди мусобақасида Михаил Рижков байроқдорлик қилаётир. Илғор ишчи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Зарбдор ишчининг меҳнат календарида айни кунларда 1990 йил ҳисоби очилди. Шу билан бирга илғор ишчи ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишига катта эътибор бераётир.

СУРАТДА: беш йиллик илғори Михаил Рижков.

Т. Каримов фотоси.

• Идеология ишлари хроникаси

Билимлар— оммага

Халқ университетлари, партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим системасида янги ўқув йилининг машғулотлари КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди арафасида ўтмоқда.

Ўқув йили ғоят катта сиёсий аҳамиятга молик съездолди ҳужжатлари —КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, мамлакатни келгуси беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари лойиҳаларини чуқур ўрганиш ва муҳокама этиш билан боғлиқдир. Бу партиявий ҳужжатларни кенг халқ оммасига етказиш учун Киров район «Билим» жамияти изчил тадбирларни амалга оширмоқда.

Ҳозир районда 58 та турли халқ университетлари, бу университетларнинг юздан ортиқ факультетлари фаол иш олиб бормоқда. Уларда турли касб эгалари бўлган 120 дан ортиқ лектор ва сиёсий ахборотчилар, 3 мингдан ортиқ актив агитаторлар ишчи-хизматчилар, ота-оналар ўртасида лекциялар ўқимоқдалар. Агитаторлар диққат-эътибори ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг тўртинчи сессияси материалларини пропаганда қилишга қаратилди. Сессияда ўртоқ М. С. Горбачев қилган докладда баён этилган йўл-йўриқлар суҳбат ва лекцияларнинг асосий мазмунини ташкил этмоқда.

Район корхоналарида, турли муассасаларда 8 та «Саломатлик» университети ишлаб турибди. Бу университетлар «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, 26, 31-поликлиникалар қошида ҳам бор.

Педагогика билимларини ва мактаб ислоҳоти моҳиятини, партиямизнинг муҳим ҳужжатларини ота-оналарга етказишда райондаги 30 та мактабда 60 та факультет иш олиб боряпти. Айниқса «Ота-оналар», «Ҳуқуқ», «Ҳарбий-ватанпарварлик», «Эстетика» университетлари салмоғи анча катта. Бу университетларга тажрибали ота-оналар, моҳир педагоглар, уруш ва меҳнат ветеранлари жалб қилинган. Бу университетларга турли ёшдаги 19 мингдан ортиқ тингловчи жалб этилган. Масалан, Г. Дмитров номли 9-мактабда «Ота-оналар», «Ҳарбий-ватанпарварлик», «Ҳуқуқ» университетлари бир неча йиллардан бери бой тажриба орттирган. Худди шундай университетлар 5, 17, 70, 150-мактабларда ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мактаб ўқитувчи-лекторларидан, СССР халқ маорифи аълочилари Т. Усмонов, М. Назарова, Н. Бағирова, Л. Паульсен, А. Нодиров, Х. Холдоров, Т. Толипов, Л. Жалилова кабиларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Чунки улар тингловчиларни қизиқтира оладилар, ўз суҳбатларига жалб қила оладилар. Ҳ. Олимжон номли маданият уйи қошида эса «Халқлар дўстлиги» университети айниқса ибратли ишларни амалга ошириб келяпти. Бу ерда «Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» мавзуида турли кечалар ўтказиб борилмоқда.

Район социал-таъминот бўлими қошида «Социал-таъминот» халқ университетининг олиб бораётган иши диққатга сазовордир. Бу университетда район корхоналарининг кадрлар бўлими ходимлари, юристлар, социал-таъминот масалалари билан шуғулланувчи кишилар таълим олмоқдалар. Ўқув машғулотларини Ўзбекистон социал-таъминот министрлиги, суд, прокуратураларнинг масъул ходимлари олиб борадилар. Бу тадбирлар кенг халқ оммасини ғоявий-сиёсий меҳнат ва ахлоқий руҳда тарбиялашда асосий омиллардан бири ҳисобланади.

С. СУЛТОНОВ.

• «Еттилар ташаббуси»—амалда

ЮТУҚЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Мастер ёрдамчиси Сирожиддин Пўлатовнинг тўқимачилик комплекти беш йиллик бошидан бери 6,6 миллион метрдан ортиқ миткаль ва дока ишлаб чиқарди. Бу демак, ўн бир йиллик нормага тенг бўлган топшириқ ортиғи билан адо этилди. Бугунги кунда илғор ишчининг меҳнат календарида 1992 йилнинг январь ойи давом этмоқда. Сирожиддиннинг бу меҳнат ғалабаси билан комбинат тўқувчилари қизғин табриклашди. Шундай қилиб, у социалистик мусобақада барча ҳамкасбларини қувиб ўтди.

Сирожиддин Пўлатов беш йиллик бошидаёқ ўн йиллик нормани бажаришга ваъда берганди. Эндиликда у белгиланган маррадан ўзиб кетди. Бунга нималар эвазига эришди? Эҳтимол, энг қулай шароитларда меҳнат қилгандир? Агар шундай бўлганда у янада олға кетган бўларди. Чунки қийинчиликлар кўп бўлди. Шулардан бири станокларнинг ноилож тўхтаб қолишидир. Уларни ўз вақтида танда билан таъминлаш мумкин бўлмади: тайёрлаш цехлари— калава-танда ва оҳорлаш фарқ очиш цехлари ишга панд беришди. Шу цехлар ёмон ишлаётганлиги туфайли участка ва бутун фабриканинг меҳнат суръати секинлашди.

Сантехника бўлими ҳам ўз бурчини уддалай олмаяпти. Цехларда ҳарорат ва намлик режими кўпинча кўнгилдагидек бўлмайди. Бунинг оқибатида ип узилиши кўпайди. Бу демак, тўқувчиларнинг меҳнат унумдорлиги пасайди.

Эски деталларни алмаштириш учун мунтазам эҳтиёт қисмлар етишмаётганлиги ҳам ишга халақит беряпти. Демак, ҳар бир станок ортида яна кўпроқ овора бўлишга тўғри келади. Пўлатовда эса 96 та станок бор (типовой норма 50 та). Бошқа қийинчиликлар ҳам бўлди. Масалан, калава сифати ҳам анча паст.

Шунга қарамасдан агар тўқувчилар Феруза Абдуллаева, Мавжуда Ҳасанова, Инна Корниловадан топшириқларни мунтазам 108—110 процент бажаришга нима имкон бераётганлиги ҳақида сўрасангиз, улар муваффақият омиллари ҳақида гапириб беришади. Шуниси муҳимки, комплект станокларида ип узилиши цехдагига нисбатан жуда кам. Бу демак, мастер ёрдамчиси ремонт қилинган станокларни синчиклаб текшириб қабул қилади, ремонт чала-чулпа бўлишига йўл қўймайди.

Бошқа нарса ҳам муҳим: машиналар ишини мунтазам кузатиб, бузилишнинг олдини олади. Шунинг учун ҳам тўқувчилар станок тўхтаб қолганлиги ҳақида жуда кам сигнал беришади. Мажбуран тўхтаб қолиш вақти минимумгача камайди. Танда билан жиҳозланган станоклар энг юқори унумдорликда ишлайди.

Мастер ёрдамчиси тўқувчи меҳнатнинг тезкор усулларидан фойдаланиши, ҳар бир операцияда, хусусан, ип узилишида секундларни тежаши ҳақида алоҳида қайғуради. Мана шунинг учун ҳам тўқувчилар 32 станокка (типовой норма 31 та) хотиржам хизмат кўрсатишади ва топшириқни ортиғи билан адо этишади. Сирожиддин уларни тезкор иш усулларига ўргатган.

Мастер ёрдамчиси тўқувчилар билан бирга газламаларни диққат билан кўздан кечириб, уларнинг ҳаммаси юқори сифатли бўлишига, бирон метр ҳам маҳсулот брак бўлмаслигига эътибор беради.

Комплектда иш чуқур ўйлаб ташкил этилганлиги қийинчиликларни анча осон бартараф этиш имконини беряпти. Лекин муваффақиятнинг сири фақат шундагина эмас.

— Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг келгуси йилларга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида, —деди Сирожиддин Пўлатов, —инсон омили, одамлар, битмас-туганмас резерв эканлиги айтилган. Уларни интизомга ва тартибга ўргатиш, бурч ҳиссини уйғотиш лозим.

Коммунист Сирожиддин Пўлатов бу вазифани аъло даражада уддалаяпти. Ҳар кунги қизғин меҳнат, ишга сарфланган ҳар бир минут ва секунд кутилган меҳнат ғалабасини келтирди.

Сирожиддин Пўлатов қандай ишлаётганлигини бутун комбинат билади. Кўпчилик ундан намуна олиб, техникага хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришди. Бугунги кунда тўқувчилик ишлаб чиқаришидаги барча мастер ёрдамчилари соҳа зонасидан юқори зичликда ишлашяпти. Кўпчилиги ишлаб чиқариш машъалига етолмаган бўлсалар ҳам анча илгарилаб кетишди. Айтайлик, бугунги кунда Ж. Шамситдинов ва коммунист Н. Попрацкий 1989 йилнинг июль ойи ҳисобига, коммунист В. Скопинцев, шунингдек К. Абдураимов ва Ю. Головачев 1990 йил ҳисобига ишлаяпти. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Октябрь ва ноябрь ойларида барча тўқувчилик ишлаб чиқариши тўқимачилик хом ашёси етказиб бериш планларини тўла ва ошириб бажарганликларида бунинг аҳамияти катта бўлди.

И. МАРГОНИН.

БИРИНЧИ РОССИЯ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

ТАЪРИФГА АРЗИГУЛИК ТОПИЛМА

«Махтра» совхозидан Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институтига қўнғироқ қилишди: «Эски бинони бузишаётганида бундан 80 йил илгариги партия ҳужжатлари топилди». Топилма ҳақиқатан ҳам ажойиб эди. Таллин шаҳри яқинидаги пана жойда РСДРП шаҳар комитети архивининг бир қисми яшириб қўйилган экан. Топилган ҳужжатлар орасида шаҳар комитетининг 1907 йилда ўтказилган мажлислари протоколлари, аср бошида яширин чиқадиган китоблар, РСДРП Марказий Комитети ва Таллин шаҳар комитетининг эстон ва рус тилларида чиқарилган варақалари, хитобномалар ва манифестлар бор. Партия нашрларини тарқатиш ведомостлари, шунингдек молия ҳисоботларини синчиклаб ўрганадиган олимлар кўп мароқли хулосаларга келадилар.

Эстония Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтида топилган ҳужжатлар ўрганила бошланди. Уларнинг бир қисми яхши сақланмаган, шу боисдан ҳам қайта тиклашга муҳтож.

— Олдиндан айтиб қўйишим мумкинки, бу ҳужжатларнинг аҳамияти жуда катта,— деди ТАСС мухбири билан суҳбатда институт директори, тарих фанлари доктори Э. Кауп. — Октябрь революциясигача бўлган даврдаги Таллин шаҳар партия комитети фаолиятига оид архив материаллари деярли сақланмаган. Ҳужжатлар билан дастлабки танишувнинг ўзиёқ ўша узоқ йилларда партиямизнинг Таллиндаги ва шаҳар атрофидаги иш кўлами ҳозирги тадқиқотларда таъкидланганидан анча кенг бўлганлигини кўрсатади. Янги маълумотлар Эстония коммунистик партияси тарихини анча тўлдиради, булар Биринчи Россия революциясидан кейинги қаттиқ репрессия даврида ҳам Таллиннинг партия ташкилотлари жанговарлик билан ишлаб, ўз сафларини тўлдириб бориб, келажакдаги синфий жангларга отланганлигидан далолат беради.

Ф. КААЗИК,
ТАСС мухбири.

• Техника тараққиёти йўлида

Янги тепловозлар

«Ворошиловградтепловоз» бирлашмасида қурилган 2 ТЭ111-008 локомотивининг синовлари тугади.

Тепловоз конструкцияси моторларидан тортиб машинистнинг иш ўрнигача кўп жиҳатдан бошқачадир. Аввало машинанинг қуввати оширилган: одатдаги 6 минг от кучи ўрнига 8 минг от кучи қилиб олинган. Дизель —генератор ниҳоятда тежамли бўлиб, анча секин ишлайди ва ҳавони ҳам анча кам булғайди.

Инженерлар бу локомотивда бир-бирига тўғри келмайдиган бўлиб туюлувчи сифатларни мужассамлаштириш г а муваффақ бўлганлар, масалан, юкка тушадиган юк кўпайгани ҳолда (бу нарса ғилдиракларнинг рельс билан тишлашувини кучайтиради) тепловознинг ўзи кузови алоҳида тузилганлиги туфайли аввалги моделлардан анча енгилдир. Энг янги совутиш системалари ҳисобига машинанинг «ўз эҳтиёжларига» энергия сарфи камайди, бинобарин унинг фойдали иш коэффициенти ортди. Тепловоз ташиган ҳар тонна юкка камроқ ёнилғи сарфлайди. Тормози ҳам бошқача: локомотив пастлашаётганида унинг ёрдами билан белгиланган тезлик автомат тарзда танланади.

Янги машинада ишлаганлар конструкторларнинг локомотив бригадалари меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрлигидан айниқса қувондилар. Кабина кенгроқ бўлиб, унда шовқин ва дириллаш озроқ, дизелхонага ўтиш йўлида алоҳида тамбур ишланган. Пухта вентиляция, иситиш ва кондициялаш системаси туфайли ҳавонинг керакли температураси ва намлигини сақлаш мумкин бўлади.

Умуман локомотив синовлардан яхши ўтди. Ўрта Осиё магистраль локомотив хизматида маълум қилишларича, Совет Иттифоқининг барча янги тепловозлари кўплаб ишлаб чиқарила бошлаш олдидан бу ерда имтиҳондан ўтади. Чунки 40 градусли иссиқлик, ҳавонинг ғоятда чангли, йўл профилининг мураккаблиги каби энг ноқулай факторлар бошқа ҳеч жойда бу ердагичалик қамти келмаган. Машина Ўрта Осиёда синовдан ўтган бўлса, бошқа ҳамма ерга ҳам чидаш бера олади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПРАГА. Остравадаги Клемент Готвальд номли Витковица металлургия машинасозлик комбинати «Оксивит» конверторига тубдан кислород юборишнинг самарали технологиясини қўлланиш туфайли янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритди. Чехословакия мутахассисларининг таъкидлашларича, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларида ишлаб чиқилган пўлат эритишнинг бу усулини қўлланиш кутилганидан ҳам яхши натижа берди. У юксак меҳнат унумдорлигига эришишни ва маҳсулот сифатини анча яхшилашни таъминлади. Комбинатда кўп миқдорда металл тежаб қолинди, пропан гази ва электр энергия сарфи камайди. Пўлат эритувчилар эришилган натижаларга таяниб, келгуси режаларни тузмоқдалар. Масалан, улар йил охиригача планга қўшимча 44 минг тонна пўлат ишлаб чиқаришни мўлжалламоқдалар.

Витковица комбинатини ҳақли равишда Чехословакия оғир саноатининг байроқдори деб атайдилар. Унинг маҳсулотидан Чехословакия халқ хўжалигининг турли тармоқларидагина эмас, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси бўлган мамлакатларда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бўлажак саккизинчи беш йилликда корхона коллективи ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни планлаштирди. Давлат энг илғор техника билан жиҳозланган бир неча ўн янги автомат участкаларни барпо этиш учун 300 миллион крона ажратди. Бу ерда денгиз кемалари учун тирсакли валлар, атом электр станциялари учун ускуналар ишлаб чиқарилади.

***

ХАНОЙ. Вьетнамнинг Биньчитьхен вилоятидаги Алиой уездида қурилган кичик ГЭС маҳаллий аҳоли ва қишлоқ хўжалик кооперативлари н и н г электр энергияга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Электростанцияни Вьетнам машинасозлигининг бош корхонаси — Ханой биринчи станоксозлик-асбобсозлик заводининг махсус бригадаси ишга туширди.

Завод меҳнатчиларини республика шимолий қисмидаги уездларда ва вилоятларда, мамлакатнинг янги иқтисодий зонасида яхши танийдилар. Улар ёрдамида кам қувватли ва ўртача қувватли ўнлаб гидростанциялар, ирригация объектлари, маҳаллий аҳамиятдаги кичик қайта ишлаш корхоналари ишга туширилган. Завод ўз иштирокида қурилган объектларнинг жорий ва капитал ремонтини ўз зиммасига олади, уларда ишлаш учун жойларда малакали кадрлар тайёрлашда ёрдам беради.

Завод ташаббусини республиканинг бошқа саноат корхоналари қўллаб-қувватламоқдал а р, улар икки томонлама шартнома асосида қишлоқ районлари билан ишлаб чиқариш алоқалари ўрнатмоқдалар.

***

БУХАРЕСТ. Руминияда энергиянинг янги манбаларидан фойдаланиш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Бухарестдаги энергетика ускуналарини лойиҳалаш илмий-технология институти пойтахтда иссиқлик энергия ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида рўзғор чиқитларидан фойдаланадиган тўла автоматлаштирилган иккита станция яратди. Бу станциялардан уй-жой фондини иссиқлик билан таъминлаш ҳамда шаҳарнинг бошқа эҳтиёжлари учун фойдаланилмоқда.

ГФР. Мамлакатда қирғин қуролларининг кўплаб ўрнатилишига қарши норозилик митинглари ўтказиб турилибди.

СУРАТДА: Бонн шаҳридаги марказий майдонда урушга қарши курашувчи жамоат вакилларининг театрлашган намойиши.

ПРЕТОРИЯ БАЗАЛАРИ

МАПУТУ. Ирқчи ЖАР «Мозамбик миллий қаршилиги» ва Зимбабве аксил-инқилобчилари қолдиқларининг қуролланган тўдаларини бирлаштиришга уринмоқда. Мозамбикнинг «Темпу» ҳафтаномаси хабар берганидек, Горонгозда «Мозамбик миллий қаршилиги» ташкилотининг асосий базаси тор-мор этилганида қўлга туширилган ҳужжатлар бунинг далилидир.

Преториянинг мақсади — Мозамбик ва Зимбабвега қарши қўпорувчилик ва террорчилик фаолиятини кучайтиришдан иборат. Айни шу мақсад йўлида Мозамбикнинг чегара районларида бандит бўлинмаларини тайёрлаш ва жўнатиш учун базалар яратишга қарор қилинди. Бундай базалар икки мамлакат ўртасида чегарадаги вазиятни анча кескинлаштириб, Зимбабвенинг террорчиларга қарши курашда Мозамбикка ёрдам кўрсатишига халақит беради.

Ядро синовларининг жабрдийдалари

ВАШИНГТОН. Таниқли Америка сенатори Алан Крэнстон (Калифорния штатидан, демократ) Тинч океандаги Бикини ороли районида 1946 йилда АҚШ ўтказган ядро синовларининг ўша ерда бўлган Америка ҳарбий хизматчилари соғлиғига таъсири натижаларини холисона текшириб чиқишни президент Рейгандан талаб қилди. Конгресс бош ҳисоб-китоб бошқармаси яқинда эълон қилган докладида ўша портлатиш чоғида, ҳукумат буни қанчалик хаспўшлашга уринмасин, ҳарбий хизматчиларнинг анчагина қисми соғлиқ учун хавфли бўлган радиация таъсирига гирифтор бўлганлар. Докладда келтирилган ана шу энг асосий хулоса туфайли сенатор бояги талабни илгари сурди.

«Кроссроудз» операцияси чоғида, дейилади ҳужжатда, 1946 йилнинг июль ойида Бикини ороли районида иккита ядро синови ўтказилган эди. Портлатиш эпицентрига яқинроқ жойларда АҚШнинг 42 минг солдати ва денгизчиси бор эди. Бу ҳарбий хизматчилардан кўпининг бошига тушган радиактив нурланиш, АҚШ ҳукумати 1984 йилда расмий равишда тан олган нурланиш даражасидан анча кўп эди. Пентагон Америка ҳарбий хизматчиларининг соғлиғи ва ҳаттоки ҳаёти билан кишини ларзага соладиган даражада ўйнашуви. оқибатида «атом солдатлари» (АҚШда ҳарбийларнинг ядро тажрибаси жабрдийдаларини шундай деб атайдилар) майиб-мажруҳ бўлиб қолдилар. Уларнинг айримлари рак касалига мубтало бўлди. Бошқалари оғир асаб ва ичак касалликларига чалинди, баъзи ҳарбийларнинг фарзандлари жиддий туғма нуқсонлар билан оламга келди. Ҳарбийларнинг озчилик қисмигина ҳукуматдан бошларига тушган фалокат оқибатлари учун молиявий товон олишга муваффақ бўлдилар. Докладда таъкидлаб ўтилганидек, АҚШнинг ветеранлар иши билан шуғулланувчи бошқармаси 500 дан ортиқ «атом солдатлари» товон беришни сўраб ёзган арзномаларини қатъиян рад этди.

1945 йилдан 1963 йилгача Қўшма Штатлар атмосферада жами 235 та ядро синовини ўтказди. Ана шу кенг миқёсдаги программа хавфли қуролланиш пойгасини зўр бериб тезлаштирибгина қолмай, жуда кўплаб америкаликлар ёстиғини қуритиб, улар бошига қанчадан-қанча кулфатлар солди. 1963 йилдан бошлаб АҚШ ерости ядро синовларини ўтказмоқда. Бунинг устига, яқинда ҳар қандай ядро портлатишларини тўхтатиб қўйишга қарор қилган Совет Иттифоқидан ибрат олишни Вашингтон рад этмоқда.

Иложсиз муаммо бўлиб қолмоқда

Кейинги йилларда Америка Қўшма Штатларидаги олий ўқув юртларининг талабалари доимий равишда қора дори қабул қилишиб, наша чекишмоқда. Ҳозирги кунда студентларнинг ҳар 8 тасидан биттаси қора доридан фойдаланади. Ўтган йили эса ҳар тўрт талабадан бири бир марта бўлсада наша чеккан. Мичиган университети ходимлари тайёрлаган докладда шундай ҳунук фактлар қайд қилиб ўтилади. Кейинги йилларда АҚШда наркотикларга қарши кураш авж олдирилишига қарамай, ёш гиёҳвандлар сони кўпайиб бормоқда. Айни кунларда АҚШ судларида кўрилаётган ишларнинг тўртдан бир қисми наркотик билан савдо қилаётганлар устидан бўлаётир. Мамлакат расмий маъмурларининг тан олишича, АҚШда гиёҳвандликни таг-томири билан қуритишнинг иложи йўқ эмиш.

Транспорт хизматидаги тенгсизлик

Африка қитъасидаги йирик шаҳарларда автомобиль транспорти йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу дастлаб Африка мамлакатлари автотранспорт билан тўла таъминланган, деган хулосани келтириб чиқаради. Аммо аслида ундай эмас. «Африк—Ази» журналининг хабар беришича, қитъада 1983 йилда 6,5 миллион дона автомобиль бўлиб, ер юзидаги енгил ва юк ортувчи транспорт воситаларининг бор-йўғи 1,5 процентини ташкил қилади. Бу транспорт воситаларининг асосий қисми 5 мамлакат — Нигерия, Жазоир, Марокко, Ливия ва Миср Араб Республикасига тўғри келади. Шу пайтгача Африка қитъасидаги бирорта мамлакатда автомобиль транспортлари ишлаб чиқарилмаган.

Оила даврасида суҳбатлар

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШГАНДА

«КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида меҳнат қилаётган «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи кун сайин меҳнат муваффақиятларини кўпайтириб бормоқда. Корхонада меҳнат унумдорлиги оширилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати яхшиланиб боряпти.

Яқинда корхонада ўтказилган «Қизлар давраси»да корхонанинг Назира Иноятова, Мактуба Тошпўлатова, Шоҳида Восситова, Фарида Ҳошимова, Лаълихон Раҳматова сингари ишлаб чиқариш пешқадамлари ўзларининг пухта билим ва маҳоратга эга эканликлари билан конкурс қатнашчиларининг олқишига сазовор бўлишди. Бирлашмада ана шундай кўнгилочар беллашувлар тез-тез ўтказиб турилишига аҳд қилинди.

СУРАТЛАРДА: қизлар беллашишмоқда; ҳиндча рақс ижро этиляпти; конкурс ҳаммада қизиқиш уйғотди.

Ҳ. Шодиев фотолари.

• Фарзандларингиз учун

КОММУНИСТ АКАМ

Одобда қуёш,
Эзгуликка бош,
Яхшига йўлдош
Коммунист акам.

Ленин жоним, дер.
Даврим шоним, дер,
Ва имоним дер,
Коммунист акам.
Эл билан ўсар,
Эл бахтин кўзлар,
Ҳар ишда ўзар
Коммунист акам.
Укам пионер,
Ўқи ўрган, дер.
Чин ғамхўрман, дер
Коммунист акам.

МЕҲМОН ҲУРМАТИ

Ўқишга шошар Дилбар,
Қониб ичмас чойини.
Попуклар тутқазади,
Шимиб юр деб, ойиси.

Дилбар олмас иймaниб,
Боқар ярим қанддонга:

—Қолмаймизми уялиб,
Туратурсин меҳмонга.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

ҚОДИРЖОН НЕГА УЯЛДИ?

• Бўлган воқеа

Никоҳ тўйлари ўтганига бир ойдан ошди. Қодиржон шу ўттиз кунда ҳеч канда килмай кунора ичиб келар, нозикниҳол умр йўлдоши Нафисахонни қийнар, кечаси алламаҳалгача ҳар нарсани хархаша қилиб уйқу бермас эди. Ичмаган кунлари эса Қодиржон сувга тушган ипакдек мулойим, қўйдек юввош, оғир-босиқ бўлиб қоларди.

Шундай кунлардан бирида Нафисахон эрига илтимос билан эркаланди:

— Жон Қодиржон ака, отам ўрнига оталик қилган битта-ю-битта тоғам борлар, бир кўриб келайлик... Ҳар кўрганларида, куёвтўрани бир олиб кел, дейдилар... Кеча ҳам ишхонамга телефон қилиб, узоқлашиб кетманглар, эринг билан бир келинглар, деб тайинладилар... Бугун шанба, бора қолайлик... Ойимлар ҳам рухсат бердилар...

Қодиржон қалин туташ қошини чимириб, пешонасини тириштирди, лекин Нафисахоннинг ўкинч-нола, илтижо билан нурланиб турган хумор кўзларига тикилиб, кўнгли юмшади:

— Кеча ичганимнинг таъсири баданимни қақшатиб юбораяпти, мазам йўқ, — деди у шамоллагандек бўғиқ овоз билан, — майли, эртага, дам олиш куни борамиз.

Нафисахон қувонганидан кўзларида табассум ўйнаб, эрининг пешонасидан ўпич олди:

— Яшанг Қодиржон ака, албатта борамиз-а?

— Ҳа, борамиз...

Қодиржон хотинининг тоғасини кўрмаган эди. Нафисахонга уйланаётганда тоға бир марта уни кўргани автобазага борган, лекин Қодиржонни тополмай бир-икки одамлардан суриштириб кетган экан. Ўшанда тоға Нафисахоннинг ойисига: «Куёв дуруст йигит экан, ишхонасидагилар юрган йигит, яхши механик дейишди, майли бахтли бўлсин, қизингни беравер», деган экан. Шундай кейин Нафисахоннинг тоғаси — Шариф акани Қодиржон никоҳ куни бир кўрди, лекин ўша куни ҳам кайфи бўлгани учун қиёфасини яхши эслаб қололмаганди.

Дам олиш куни Қодиржон Нафисахонни олдига солиб, бозорга тушди, тоғанинг уйига совға-салом олди, кейин таксига ўтиришиб кетишди.

Тоғанинг хотини — Бахтигул опа уларни айланиб-ўргилиб, гиргиттон бўлиб кутиб олди.

— Тоғажоним қанилар? — деб шодон кулиб сўради Нафисахон.

— Тоғажонинг ишдалар, кеча шанба куни навбатга кетганлар, ҳозир келиб қоладилар.

Худди тайин этилгандек шу пайт Шарифжон тоға кириб келди. У милиция формасида бўлиб, елкасидаги погонда тўртта юлдузча бор эди. Баланд бўйли, сочлари энди мош-гуруч бўла бошлаган, юзининг ўнг томонида жудаям ярашган, жудаям чиройли холи бор эди. Ана шу холни кўрди-ю, Қодиржоннинг ранги «қув» оқариб, оёқ-қўли бўшашиб кетди. Яхшиямки, Шарифжон тоға куёв билан, кейин Нафиса жияни билан енгил саломлашиб: «Ҳозир, ҳозир» деб ечиниб-кийингани ичкари уйга кириб кетди.

— Эҳ, калла! — деди ранги оқариб Қодиржон Нафисага қараркан, — унутибман!.. Соат бир бўлиб қолибди-я!

— Нима гап, тинчликми?

— Москвадан бошлиғимиз келади... Соат бирда... Аэропортда кутиб оламан деб ваъда бергандим-а... Мен кетдим... Тоғамларга салом айт... Кейин келаман...

Қодиржон хотинининг «ҳай-ҳай»ига ҳам қулоқ солмай, ўғри мушукдек тоғанинг ҳовлисидан отилиб чиқиб кетди.

...Тўйдан ўн беш кун илгари Қодиржон дўсти Йўлдошвой билан автобазада ичишди, пивохонада пиво симиришди, кейин трамвай бекати тўғрисидаги ошхонада яна яримта арақ ичишди. Шундан кейин бир-бирларига суяниб-осилишиб, худди соат капкиридек чайқалиб кетишди. Қодиржон йўлда келишган бир аёлга қўл чўзган эди, у чўчиб қичқириб юборди. Йўлдошвой ҳам бир қизга тегажоғлик қилган эди, у қочиб кетди. Шу воқеа устига мотоциклда милиционер келди. Уларни тартибга чақирган эди, Қодиржон дўқ қилди:

— Тошингни тер, бир тепиб мотоциклингни ағдариб юбораман.

— Яхшиликча уйга боринглар, мен сизларни кузатаман...

— Кузата...сан...сен... биз..ни куза..та...сан... ўлдира...ман...

Шу пайт милиционер мотоциклдан тушиб, Йўлдошни ушламоқчи бўлди, у ярим девор бўйи яшил тўсиқ устидан сакраб, қуёндек елиб кетди. Қодиржон милиционернинг орқа ёқасидан тортган эди, унинг қўлини қайириб мотоциклга ўтказди-да, тўғри хушёрхонага олиб жўнади. Бу ерда Қодиржон ўзига келиб, эртасига тавбатазаррук қилди, штраф тўлаб уйга қайтди. Кейин ишхонасига хушёрхонага тушгани ҳақида хат келди, кўпчилик муҳокама қилишди. У илғор ишчи-механик бўлгани учун сўнгги танбеҳ бериб, автобазада яна ишда қолдиришди.

... Ўнг юзида чиройли холи бор Нафисахоннинг тоғаси ўшанда Қодиржонни хушёрхонага олиб келган Шарифжон ака эди. У ҳозир тоғани таниди-ю, аэропортга бошлиқни кутиб олишга чиқишим керак, деб ёлғон баҳона қилиб қочиб қолди.

Қодиржон тоға билан анча кейин, кўнгилсиз воқеани жуда эскитиб юз кўришмоқчи. Ҳозирги уятдан омон-эсон қутилгани учун у бир умр оғзига ичкиликни олмоқчи эмас. «Уят — ўлимдан қаттиқ», у ор-номус нималигини билади.

Гулчеҳра САМАТОВА.

• Табиат ва инсон

ҚИШ ЎРТАСИДА КЎКЛАМ

Янги йил кечасида эртакдагина эмас, ўз уйимизда ҳам кўклам билан учрашиш мумкин. Ҳар биримиз бунинг уддасидан чиқа оламиз.

— Байрамга бундай совға тайёрлаш ҳечам қийин эмас, — дейди «Волга бўйи гуллари» совхозининг директори З. Сапожникова. — Боғ ҳовлидан олча, ўрик, олхўри ёки бошқа хил данакли мева дарахт новдаларини кесиб уйга келтирилади. Уйда новдани «теплица» кутиб туриши керак. Бунинг учун ҳар қандай идишда эритма тайёрлаб қўйиш зарур: бир литр сувга 0,8 грамм аччиқ тош, 0,3 грамм натрий нитрат ва 2 грамм натрий хлорид солинади. Бу моддаларнинг ҳаммаси «Химреактивлар» магазинида сотилади. Бундан ҳам соддароқ озуқа эритмасини тайёрлаш мумкин. Лекин унинг самараси камроқ бўлади. Бунинг учун марганец ушоғигина керак бўлади. Шундан кейин нимпушти сувга (марганцовка) бир чой қошиқ шакар аралаштирилади.

Энди идишга бояги новдаларни ботириб эритмадан чиқармаган ҳолда салгина кертиб қўйилади ва «теплица» новда билан бирга полиэтилен плёнка билан ўраб боғланади. Бўлғувси шу гулдастани батарея устидаги ром рафига қўйилса яхшироқ бўлади. Орадан 8 кун ўтгач эритмани алмаштириш, новдаларни яна салсал кертиб қўйиш керак.

Орадан яна бир ҳафта ўтгач, новдалар оппоқ гуллайди. Лекин уларда ҳатто нозик кўм-кўк баргчалар уч берган кеча уйингизга кўклам кирган бўлади ва янги йилни бошқачасига кутиб оласиз.

Янги йил байрамини кўкламнинг гуллаб турган новдалари безасин, янги йил куни шундай ғаройиботларга тўла бўлсин. Ҳар бир хонадонга арчани «таклиф этиш» анъанаси кўпинча табиатга анча-мунча зиён етказади. Биз бу ҳақда тез-тез ўйлаяпмиз. Янги йилга бағишлаб барпо этилган махсус арчазорлар ҳам табиатга етказиладиган зиённи тўлдира олмайди. Йилнинг энг шодиёна байрами мўъжизакор бўлишини истасак кишини хурсанд қиладиган бошқа кўп хил омилларни ўйлаб топишимиз мумкин.

И. БИРЮКОВА,
ТАСС мухбири.

• Иззатингдан айрилма

Бир дона гул...

Салимжон менинг мактабдош дўстим. Узоқ йиллардан бери турли сабабларга кўра кўришмаган шу қадрдоним билан фавқулодда автобусда учрашиб қолдик.

— Топишган жойимизни қара-я, деди у мен билан қучоқлаша туриб. — Бормисан, қаерларда юрибсан? Бир минутга пастга тушиб ҳоли суҳбатлашайлик.

Навбатдаги бекатда машинадан тушдик. Қизғин суҳбатимиз узоқ чўзилмади. Чунки у ҳам, мен ҳам ишга шошилаётган эдик.

— Энди бундай, — деди Салимжон гапга нуқта қўйиб. — Шанба куни келинни олиб бизникига келасан. Маликаи дилоромни туғилган кунлари муносабати билан уч-тўрт яқинларни уйга таклиф этганмиз. Мириқиб суҳбатлашамиз.

Учрашишга шартлашиб хайрлашдик. Белгиланган куни хотиним билан «Чилонзор қайдасан»» деб шифокор дўстимникига йўл олдик.

Эшикни ясан-тусан қилиб олган Лобархон очди.

— Вой келинглар, — деди у бизни илиққина қаршиларкан, — Салим ака, қаранг ким келди.

Остонада Салимжон кўринди. Салом-аликдан сўнг Лобархон хотиним тутган совғани қабул қила туриб, ундан гина қила кетди:

— Раънохон, дугона деганам шунақа бўладими? Опам борми-йўқми, деб йўқлаб ҳам келмайсиз-а.

— Ҳа, энди иш билан...

— Иш ўлсин. Иш топилади, лекин одам топилмайди.

Лабархон эрига маъноли тикилди. Рафиқасининг донишмандлигидан Салимжоннинг энсаси қотди.

Катта зални тўлдириб ўтирган меҳмонлар қаторидан жой олдик. Танишувдан сўнг, унча-мунча ҳазил-мутойиба қилиб ўтирдик. Лекин негадир кечанинг «тантанали қисми»ни бошлаш ҳақида ҳеч ким оғиз очмади. Назаримда кечага энг улуғ меҳмон ташриф буюрмаган эди. Давра тўридаги бўш турган икки кресло шундан далолат беради. Бунинг устига эшик тақ этса Лобархон ҳаммани ғашига тегиб «ана келдилар» дея ташқарига югурарди.

Даврадан файз кўтарила бошлади. Ҳамма ўз хаёли билан банд бўлиб ўтирганда эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Баъзилар чўчиб тушди.

— Каримжон акам, — деб юборди қувончдан ял-ял ёнган Лобархон эшик томон ошиқаркан.

Остонада кўринган ҳурматли меҳмон «Узр, узр, кўрганимиз кўришганимиз энди», — дея ортиқча такаллуф ҳам кутмай юқоридаги кресло томон пилдираб борди. Унга бир зум тикилиб қолдим. Оқ сариқдан келган, беўхшов семиз бу одамни уй эгалари нима учун шунчалар зор-интизор кутганига ҳайрон эдим.

— Ҳа, айтмоқчи, Салимжон, — деди у креслога жойлашиб олгач, — ука, энди иш бўлмаса, манави калитни ол. Машина багажнигида гилам бор эди. Шуни олиб чиққин. Ёнидаги биллур идишлар ҳам сизларга.

— Вой, Каримжон ака, нима қилардингиз овора бўлиб.

— Ҳа энди арзимаса ҳам...

Эр-хотин «совға»ларни олиш учун югургилаб кетишди. Каримжон аканинг нима учун чидам ва тоқат билан кутганимиз боисини энди тушундим.

— Раҳмат, Каримжон ака, — деди жойига қайтиб келиб ўтирар экан Лобархон, — ишқилиб яхшиликларингизга қайтарайлик. Ўзиям гиламмисан — гилам экан-да.

— Учу-тўрт. Москвага борганда сизларга атаб олган эдим.

Ўринсиз мақтову мақтанишлардан ҳамманинг энсаси қотди.

— Қани бошлаймизми, — деди Каримжон ака Лобархонга жилмайиб.

— Салим ака, Каримжон акамга коньяк қуйинг, — деди Лобархон эрига буйруқ оҳангида.

Салимжон ҳаммага қуйди. Биринчи қадаҳ Каримжон аканинг узоқ тутуруқсиз табригидан сўнг ичилди. У беўхшов қилиқлар қилар, совуқдан-совуқ ҳазил-мутойибалари билан даврадагиларга кимлигини тобора намойиш қиларди. Қизиғи шундаки, хонадон эгалари унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглашар, истагини бажонидил бажаришарди.

Каримжон ака шаҳримиздаги қурилиш участкаларидан бирида прораб бўлиб ишларкан.

— Энди бу замонда яшашни ҳам билиш керак-да. Яшаганда ҳам ҳақиқий яшай билиш керак. Энг ёмон кўрганим оғзидаги ошини олдириб ўтирадиган одам. Эскилар «иш билгунча, гап бил» деб бежиз айтмаганлар ахир.

Мана унинг ҳаёт диалектикаси. Каримжон ака типидаги одамлар, ҳар қадамда ана шу иборага амал қилишади. Ҳаммани гап билан лол қолдириб ишбилармонлик қилиб юришади. Ана шу «ишбилармонлик» орқасида эса шахсий манфаат ётади.

Улар керак бўлса «ҳотамтойлик» ҳам қилишади. Албатта бу «хотамтойлик» кўпинча давлат ҳисобига бўлади. Чунки «иш билгунча, гап биладиган» одамлар ҳамиша нопоклик билан ҳамёнларини қаппайтириш пайида бўладилар. Катта совғалар қилиб тилларини узун қиладилар. Лекин бу узоққа бормайди. Нопоклик билан, қинғир ният билан қилинган катта совғадан аслида чин қалбдан тақдим этилган бир дона гул яхши дил рамзи бўлиши мумкин.

Бугун одамларга кўз-кўз қилинган совға қинғир йўл билан топилгани аниқ. Бўлмаса оддий бир прораб узоқ бир қариндошининг туғилган кунига қимматбаҳо гилам ва биллур совға қила оладими? Қолаверса, «еган оғиз уялар» дегандек, хонадон эгалари Каримжон ака туғилган кунда уларнинг «омонати»ни қайтаришга қодирми? Ҳозир бу фикрни Лобархон ҳам, Салимжон ҳам хаёлларига келтиришмасди. Ҳозир улар учун Каримжон ака ота-онадан ҳам азиз эди.

Ўтиришдан файз кетди. Рухсат сўраб ўрнимиздан турдик. Йўлда кета туриб хотиним гап қотди:

— Дадаси, ўртоғингизникида бир оғиз ҳам гапирмадиз-а?

Чиндан ўйлаб қарасам даврада фақат Каримжон ака гапирибди холос. Биз эса гўё туғилган кунга эмас, балки бирор йиғилишга келиб зерикарли узун маъруза эшитиб кетаётган кишилардек ўзимизни лоҳас сезардик.

М. ОРИПОВ.

ГАБРОВО ХАНДАЛАРИ

ИККАЛАСИГА

Олган хизмат ҳақидан кўнгли тўлмаган хусусий врач беморга киноя билан деди:

— Берган пулингиз менгами ё хизматкоримгами!

Габроволик бемор совуққонлик билан жавоб қилиб деди:

— Иккалангизга!

ТЕЛПАК

Габроволик бир киши бутун қиш давомида бошини бинт билан танғиб боғлаб юрди. Дўстларидан бири бир куни ундан сўради:

— Қалай, ниҳоят бошинг соғайиб кетдими!

— Э, сен нималар деяпсан! — деди унга жавобан габроволик киши. — Аслида бошимга ҳеч вақо бўлгани йўқ, фақат телпагимни аяб қиш ичи шунақа қилиб юрдим.

ОҒРИҚ ТИШ

Габроволик бир киши тиши оғриб азоб бергач, иложсиз хусусий тиш доктори ҳузурига келди ва унга мурожаат қилиб бундай деди:

— Оғриқ тишни суғуриб ташлаш учун қанча ҳақ оласиз!

Тиш доктори жавоб бериб деди:

— Тишни суғуриб ташлаш учун икки лев, электр чироғидан фойдаланганлик учун бир лев оламан, чунки қоронғи тушиб қолди.

— Ҳим-м, яхши. Ундай бўлса мен яхшиси эртага, ёруғ тушганда келақоламан.

Тўпловчи Т. МАҲМУДОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ

Магазинчи: — Мана, истаган кийимликдан олинг.

Чайқовчи: — О, дугонажон, бунақа асл молларни очиқ савдога қўйиб сотсанг, ҳеч қачон биринг икки бўлмайди.

***

Хўранда: — Сомсангизнинг ичи пишмабдику, биродар...

Сомсапаз: — Ҳомлигича тишлаб қўйгандан кейин айтманг-да, акам.

Ш. Субхонов расмлари.

• Ҳайвонот олами сирлари

ЧИПОР ИЛОН

Бу илон эски харобали ҳовлилар, жар ва шу каби ташландиқ жойларни хуш кўради. У шунингдек, эски боғлар, завод ва фабрикаларнинг қаровсиз қолган иморатлари ёриқларига кириб ҳам яшайверади. У заҳарли илондан ҳам кучлироқ ваҳима қилиб вишиллайди. Лекин мутлақо заҳарсиздир. Чипор илон айниқса уй сичқонлари, каламушлар каби қишлоқ хўжалик зараркунандаларини, шунингдек, кўк қарға, дала чумчуғи, қалдирғоч, зағча ва баъзи калтакесакларни еб овқатланади. Бу илон зарарлилардан кўра фойдали жониворларни кўпроқ еб қўяди.

Ранг-баранг чипор илон йилдан-йилга камаймоқда. Унинг тана узунлиги 118 сантиметр, думи эса 35—38 сантиметрдир. Танасининг усти кулранг бўлиб, кўкимтир ёки сарғимтир тусда товланади. Орқасида бир қанча қорамтир кўндаланг ёки сарғиш доғлари бор. Кўпинча бу илоннинг қора бошли ёки деярли қора товланувчи турлари ҳам учрайди.

НАҚШДОР ЎРМАЛОВЧИ...

Шаҳримизнинг сувга яқин паркларида, бедазор-ўтлоқ ва бутазорларнинг четларида бу илонни топиш унчалик қийин эмас. Аммо яшайдиган жойларининг қисқариши билан бу жониворлар аёвсиз қирилмоқда.

Нақшдор чипор илон чирмашувчи чипор илонлар авлодига киради. Танасининг узунлиги бир метрга боради. Усти оч кулранг ёки оқ кулранг қўнғир бўлиб, танаси бўйлаб 4 та қўнғир йўл кетган, улардан иккитаси думигача чўзилиб кетган. Бошининг юқори томонида чўзиқ тожга ўхшайдиган ғалати нақши бор.

Республикамизда бу илон кенг тарқалган бўлиб, у дарё водийлари, баланд тоғлардан тортиб Уст-юрт ва Орол денгизигача учрайди. Бу илон сувда бемалол сузади, дарахт ва буталарга чирмашиб чиқа олади. Кўринишда у сув илонга ўхшаса-да, ундан қорамтирроқ бўлади. Кемирувчиларнинг инларига, уюм-уюм тошлар, қамишзор буталар орасига кириб яширинади. Уй сичқони ва каламушлар билан овқатланувчи фойдали жонивор ҳисобланади. Бу илонни ҳам кўпинча зарарли илон деб қарашиб, ундан ҳазар қиладилар. Аслида у беозордир.

Т. ЕДГОРОВ,
биология фанлари кандидати.

• ТОШКЕНТНИНГ СПОРТ МАЙДОНЛАРИДА •

• Оммавийликдан — маҳорат сари

Кичик теннис — қизиқарли ўйин

Стол тенниси мусобақалари Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган XIII шаҳар спорт ўйинлари программасининг охирги турларидан бири бўлди. Кичик ракетка усталарининг беллашувлари К. Е. Ворошилов номидаги Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг спорт клубида ўтказилди.

Республикамиз пойтахтининг ёш теннисчилари турнири бу спорт тури мутахассислари ва мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек турнир тренерларга шундай масъулиятли мусобақаларда ўз шогирдларини синаб кўриш ва уларнинг орасидан истиқболли теннисчиларни саралаб олиш имкониятини берди. Бу «кўрик» улар учун катта сабоқ бўлди ва етишиб келаётган ёш теннисчиларни танитди.

Стол тенниси бўйича шахсий-умумкоманда турнирида 56 ўсмирлар ва қизлар қатнашди. Умумкоманда ҳисобида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти вакиллари биринчи бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Меҳнат» ҳамда «Спартак» спорт жамиятлари теннисчилари эгаллашди.

Ўсмирлар ўртасида бўлган баҳсларда умумкоманда ҳисобида студентлар жамиятининг спортчилари ғалаба қозонишди. «Спартак» кўнгилли спорт жамияти вакиллари иккинчи ўринни эгаллашди. Совринли учинчи ўрин «Ёш куч» спорт жамияти кичик ракетка усталарига насиб этди. Қизлар ўртасида «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти командасига тенг келадиган команда бўлмади. Фақат иккинчи ўринни қўлга киритган «Буревестник» командасининг теннисчи қизлари уларга муносиб қаршилик кўрсата олдилар. «Спартак» вакиллари эса учинчи ўрин билан қаноатланишди.

Командалар эришган натижа — бу спортчиларнинг якка, жуфт, аралаш разряддаги курашларининг якуни ҳамдир. Бунда ёш теннисчилар қай тарзда жой олдилар. Шарҳни ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган беллашувлардан бошлаймиз.

«Ёш куч» вакили мастерликка номзод Тўлқин Баҳромов XIII шаҳар спорт ўйинларининг чемпиони бўлди. Унинг командадоши Нурбек Қўчқорбеков ҳурмат шоҳсупасининг учинчи поғонасига кўтарилди. Совринли иккинчи ўринни «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти теннисчиси Вячеслав Пучков қўлга киритди. Ўсмирлар ўртасидаги жуфтликлар баҳсида ҳурмат шоҳсупасининг деярли барча поғонасини меҳнатчилар банд этишди. Энг кучлилар унвонига Тўлқин Баҳромов («Ёш куч») ва Руслан Музаффаров («Меҳнат») жуфтлиги сазовор бўлди. Иккинчи ўринни меҳнатчилар Ренат Бахтеев ва Сергей Сибгатулин эгаллашди. Совринли учинчи ўринни ҳам «Меҳнат» кўнгилли спорт жамиятининг вакиллари Вячеслав Шек ва Константин Пучковга насиб этди.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда ўсмирлардагидек ягона пешқадам бўлмади. Якка разрядда «Меҳнат» спорт жамияти вакили Наталья Григорьева энг кучли деб тан олинди. Иккинчи ўрин ҳам меҳнатчи Наталья Шекга насиб этди. «Динамо» кўнгилли спорт жамияти ёш теннисчиси Эльмира Гребенюк совринли учинчи ўринни эгаллади. Финал баҳсида «Спартак» кўнгилли спорт жамияти вакиллари Светлана Мотова ва Елена Пакни енгган «Меҳнат» теннисчилари Григорьева ва Шек жуфтлиги биринчи бўлди. Жуфтликлар мусобақасида учинчи ўринни «Динамо» спорт жамияти дуэти Эльмира Гребенюк ва Владлена Латипова эгаллади.

Аралаш разряддагилар баҳсида меҳнатчилар Наталья Григорьева ва Вячеслав Пучковлар яхши ўйин кўрсатиб, ғолиб бўлдилар. Улар финал мусобақасида командадошлари Наталья Шек ва Ренат Бахтеевлар устидан ғалаба қозонишди. Учинчи ўрин учун бўлган беллашувлар «Динамо» кўнгилли спорт жамияти вакили Эльмира Гребенюк ва «Ёш куч» спорт жамияти теннисчиси Тўлқин Баҳромов ғолиб чиқдилар.

Шундай қилиб, мусобақага якун ясалди, судьялар протоколлари папкаларга солинди. Ёш теннисчилар — кимдир ғалабасидан қувонган, кимдир омади келмаганидан хафа бўлиб уйларига тарқалишди. Судьялар, мутахассислар, шаҳримизда стол теннисини ривожлантириш ва оммавийлаштиришга фидокорлик қилаётган кишилар кўп марталаб муҳокама этилган, аммо ҳамон ҳал этилмаган масала, яъни навбатдаги мусобақани қаерда ўтказилиши ҳақида бош қотирмоқдалар. Чунки, мусобақа бўлиб ўтган спорт залида эндиликда теннисчилар беллашишмас экан. Ҳа, спорт зали мезбонлари — «Ташсельмаш» раҳбарлари шундай дейишмоқда. Гўё бундай мусобақалар коллектив аъзоларининг спорт билан узлуксиз шуғулланишига монелик қилар эмиш. Ҳамма гап республикамиз пойтахтида стол тенниси учун ихтисослашган залнинг йўқлигида. Аслида бунда ҳам эмас, балки бу спорт турини ҳеч бўлмаса бирор спорт комплексига расмий бириктириб қўйилмаганида. Масалан «Юбилей» марказий спорт зали хоккейчилар ва фигурачилар учун бўлганидек. Шунингдек, «Пахтакор» спорт комплекси қиличбозлик учун ихтисослашган залга, «Динамо» спорт жамияти жуда яхши ёзги ва қишки теннис кортларига эга. Ўйлаймизки, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг физкультура ва спорт комитети кичик ракетка усталарининг «ўз уйи» бўлишини қоғозда эмас, балки амалда ҳал этадилар.

Г. МИХАЙЛОВ.

Спорт кундалиги

САМБО

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси спорт залида самбо бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Бу ерда 200 дан зиёд ёш полвонлар беллашишди ва ғолиблар СССР спорт мастери бўлишди. Мусобақада «Динамо» кўнгилли спорт жамияти вакиллари Тўлқин Саидвалихўжаев, Юрий Яшин, Баҳодир Пирматов, Вадим Скородумов ва Сергей Базинлар ўз вазн тоифаларида муваффақиятли қатнашдилар. «Меҳнат», «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятлари ва Тошкент Армия спорт клуби самбочилари иккитадан олий мукофот билан тақдирланишди.

БАСКЕТБОЛ

Ростов-Донда баскетбол бўйича биринчи лига аёллар командалари ўртасида дастлабки босқич ўйинлари ниҳоясига етди. Бу турнирда Тошкент жисмоний тарбия институти клуби баскетболчи қизлари муваффақиятсиз қатнашдилар. Ҳамшаҳарларимиз ўтказилган беш ўйиндан фақат биргинасида ғалабага эришишди. Қолган учрашувларда эса ютқазиб қўйдилар. Бунинг натижасида энди клуб баскетболчи қизлари биринчи лигани тарк этишади.

ТЕННИС

Молдавиянинг пойтахтида теннис бўйича аёллар ўртасида республика очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Мазкур турнирда тошкентлик спорт мастери Наталья Степанова яхши қатнашди. Ҳамшаҳримиз тўртинчи ўринни эгаллади.

ҚЎЛ ТЎПИ

Олмалиқда қўл тўпи бўйича эркаклар командалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати маррага етди. Бунда Тошкентнинг «Старт» клуби гандболчилари муваффақиятли иштирок этдилар. Пойтахт спортчилари ўзларининг барча рақибларини мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллашди. Турнир жадвалидаги иккинчи ўринни андижонлик гандболчилар қўлга киритишди.

ШАХМАТ

Тошкентдаги республика шахмат-шашка клубида мастерлик нормасини берувчи Бутуниттифоқ турнири давом этаяпти. Уч турдан кейин 2 очкодан жамғаришган Москва чемпиони спорт мастери Алексей Вижманавин, тошкентлик армиячи спорт мастери Валерий Логинов ва яна бир республикамиз пойтахти вакили спорт мастерлигига номзод Акром Тошхўжаевлар олдинда боришмоқда. Ярим очкодан ортда қолган Владимир Маленюк ва ленинградлик Владимир Епишинлар пешқадамлардан кейинги ўринларни эгаллаб туришибди.

ФУТБОЛ

11:1 ҳисобида маҳаллий «Зондерс» командасини мағлуб этган Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Шри Ланка бўйлаб ўтказган ўртоқлик учрашувларини якунлади.

Ҳамюртларимиз мазкур турнирдаги уч учрашувнинг ҳаммасида ғалаба қозондилар. Биринчи учрашувда улар Кандида маҳаллий клубни 2:0, иккинчи учрашувда Коломбонинг «Ринаун» клубини 4:1 ҳисобида енгишди.

СУЗИШ

Тошкентда Владимир Сергеевич Митрофанов хотира соврини учун XVII анъанавий республика мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистоннинг 300 дан зиёд кучли сузувчилари иштирок этдилар. Таниқли зангори йўлка усталари хизмат кўрсатган спорт мастерлари Сергей Заболотнов ва Лариса Белоконлар билан биргаликда ёш спортчилар ҳам ғолиблик учун беллашишди. Уларнинг кўпчилиги яхши натижа кўрсатишди. Чунончи, эркин усул бўйича 100 ва 400 метр масофада тошкентлик меҳнатчи Ирина Шубина ғалаба қозонди. 100 метрга чалқанча сузишда Сергей Заболотнов рақибларидан ўзиб кетди. 1500 метр масофага эркин сузишда спорт мастери Ирина Шубина Ўзбекистоннинг янги рекордини ўрнатди. У бу масофани 18 минут 31,8 секундда сузиб ўтди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА БАЛЕТИ
ВА
«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИ
1985 ЙИЛ 27 ДЕКАБРДАН 1986 ЙИЛ 11 ЯНВАРГАЧА

«Муз устида арча»

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Европа, Жаҳон биринчиликларининг беш карра совриндори, Олимпия ўйинларининг кумуш совриндори, Халқаро классдаги спорт мастери **Людмила Смирнова**, Европа, Жаҳон биринчиликларининг тўрт карра чемпиони, Олимпия ўйинлари чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери **Алексей Уланов**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Ирина Филиппова**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Александр Яковлев**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Лариса Литвиненко** ва **Александр Шангин**;

балет солистлари: СССР Кубоги соҳиби, СССР спорт мастери **Алексей Погодин**, СССР спорт мастери **Елена Алепко, Ариадна Галкина, Ирина Корина, Елена Комарова, Людмила Панчина, Наталья Рибакова, Виктор Ельчин, Владимир Зайкин, Михаил Каминов, Владимир Лебедев, Олег Рябов, Владимир Шевляков**, ёш ижрочилар Бутуниттифоқ конкурси лауреати **Ольга Кувашёва**, шунингдек, **Ольга Кузнецова, Марина Подольская, Нелли Розова, Лариса Толкунова, Ольга Роша, Василий Васильев, Борис Есипов, Евгений Фещенко, Павел Иванов, Андрей Строганов.**

Музика раҳбари — Лео Корхин.

Репетиторлар —РСФСРда хизмат кўрсатган артист Т. Колотильщикова, И. Дентовская.

Бош балетмейстер — РСФСРда хизмат кўрсатган артист К. А. Рассадин.

Томошалар 27 декабрдан 31 декабргача соат 11, 13, 15.00 да, 1 январда— 13.00 ва 15.00 да, 2 январдан бошлаб 11, 13, 15.00 да бошланади.

Билетлар «Юбилей» спорт зали кассаларида ва вакиллар томонидан сотилмоқда.

Кассалар ҳар куни 12 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31— касса, 46-07-53, 46-68-77 —администратор.

ЎЗБЕКИСТОН ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ

«Турист»

ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ СОТИШ БЮРОСИ

1986 ЙИЛ ЯНВАРЬ, ФЕВРАЛЬ, МАРТ ОЙЛАРИГА БУТУНИТТИФОҚ МАРШРУТЛАРИ БЎЙЛАБ ТУРИСТИК ПУТЁВКАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

5 — Селигер кўли бўйлаб.
36 — Сухуми.
62 — Ажариядан Абхазияга.
82 — Қора денгиз қирғоқлари бўйлаб.
45 — Закавказье бўйлаб.
131 — Қора денгиздан Еревангача.
132 — Ереванлан Қора денгизгача.
226 — Молдавия бўйлаб.
300 — Украина ва Молдавия бўйлаб.
305 — Каспий денгизи қирғоқлари бўйлаб саёҳат.
307 — Кавказнинг Қора денгиз қирғоқлари бўйлаб.
308 — Каспий денгиз қирғоқлари бўйлаб.
331 — Шимолий Кавказ — Қора денгиз қирғоғи.
337 — Сухуми (ВЛКСМ XV съезди номидаги турбаза).
338 — Сухуми («Сухуми» туристик меҳмонхонаси).
368 — Белоруссиядан Болтиқ денгизига.
370 — Литва ва Белоруссия бўйлаб.
495 — Планерский.
540 — Белоруссия ва Украина бўйлаб.
543 — Шарқий Қрим бўйлаб.
602 — Қишки Прикарпатье.
682 — Қорли Карпатлар, автобусда.
686 — Карпат бўйлаб, автобусда.
687 — Карпат бўйлаб, автобусда.

Маршрутлар давомийлиги 18-20 кун бўлиб путёвканинг ўртача баҳоси — 145 сўм.

Путёвкалар сотиш бюроси, шунингдек, Москва шаҳри бўйлаб 1-маршрут бўйича путёвкаларни таклиф этади. Бу маршрутнинг давомийлиги 6 ва 12 кун. 6 кун давом этадиган маршрут путёвкаси баҳоси — 72 сўм, 12 кунлик маршрут баҳоси эса — 142 сўм. Туристлар «Салют» ва «Измайлово» замонавий меҳмонхоналарининг икки ўринли шинам хоналарида жойлашадилар, ўша ерда—меҳмонхонанинг файзли ресторанларида овқатланадилар. Маршрут қатнашчиларига ранг-баранг қизиқарли тузилган экскурсия программаси таклиф этилади.

Овқатланиш, истиқомат қилиш ва экскурсия хизмати путёвканинг баҳосига киради. 15 ноябрдан 15 апрелгача Бутуниттифоқ маршрутларининг путёвкалари учун авиация билетлари 30 процент арзонлаштирилган ҳолда таклиф этилади.

Путёвкалар сотиш бюроси 1986 йилда туристик путёвкаларни бериш тўғрисида бевосита шартномалар тузиш компаниясини давом эттирмоқда. Бундай шартномаларни тузган корхоналар, муассасалар, путёвкалар билан сўзсиз таъминланадилар, у ёки бу маршрутни танлашда устунликка эга бўладилар.

Бундан ташқари шартнома тузган томонлар ўртасида пул ҳисоб-китоблар енгиллашади.

Бизнинг адрес: 700077, Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 115-уй. Телефон 66-26-41.

БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ СОВҒАЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Сиз бу магазинга марҳамат қилиб дўстларингиз, қариндош-уруғларингизга манзур бўладиган буюмни бемалол танлашингиз мумкин.

ШУҲ ГУЛЛИ ЖОЗИБАЛИ ГАЗЛАМАЛАР: хон атлас, табиий шойи, крепдешин, шифон...

БАШАНГ РУМОЛ: шойи, жун матолардан тикилган, люрекс ўтказилган.

ЖАРАНГДОР, ТОВЛАНУВЧИ БИЛЛУРЛАР: қадаҳлар, фужерлар, бокаллар, вазалар, салатдонлар, конфетдонлар.

НАФИС ЧИННИ: ЧССР ва ГДР да тайёрланган 6 ва 12 кишига мўлжалланган ошхона ва чой сервизлари.

РАНГ-БАРАНГ СОВҒАЛАР: чироқлар, осма чироқлар, шкатулкалар, ёғочдан ўйиб ишланган буюмлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН СОВҒА ТЕРМАЛАРИ: лак, соч бўёғи, духи, кремлар.

ЭРКАКЛАР УЧУН СОВҒА ТЕРМАЛАРИ: қўйлак ва унга ҳамоҳанг галстук.

Бундан ташқари сизнинг хоҳишингизга кўра совға термалари комплектлаб берилади.

Бош универсал магазинига бориш учун 8, 7, 16-трамвайлар, 8, 18-троллейбусларда «Охунбобоев майдони» бекатигача борилади. ГУМ (ТЕЛЕФОН 42-27-39).

Биллур идишлар хонадон файзи

БИЛЛУР ИДИШЛАР ЎЗИНИНГ НАФОСАТИ, ЖОЗИБАСИ, ГЎЗАЛЛИГИ, РАНГО—РАНГ НУР ТАРАТИШИ БИЛАН ХОНАДОНДА ЎЗИГА ХОС ГЎЗАЛЛИК ЯРАТАДИ. БИЛЛУРДАН ИШЛАНГАН МЕВА ВАЗАЛАРИ, ГУЛДОНЛАР, КОНФЕТДОНЛАР, САЛАТ ЛАГАНЛАРИ, ҚАДАҲЛАР, БОКАЛЛАР, ФУЖЕРЛАР, СТАКАНЛАР ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ОҚШОМЛАРИДА ДАСТУРХОНДА БАЙРАМОНА КАЙФИЯТ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ

СИЗ «ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

РАНГ-БАРАНГ БИЛЛУР ИДИШЛАРНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«Узхозторг»нинг Тошкент областлараро базасида биллур ва рангли шишадан ишланган буюмлар етарли миқдорда бор.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

ТУРМУШДА ВА ИШ ЖОЙИДА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИДАН ОҚИЛОНА ВА ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИНГ.

СИЗЛАР ИҚТИСОД ҚИЛГАН ҲАР БИР КИЛОВАТТ-СОАТ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ВАТАН БОЙЛИГИГА БОЙЛИК ҚЎШАДИ, ЖУМЛАДАН У:

36 кг. дан зиёд нон пиширишга,
инкубаторда 30 та жўжа очиришга,
10 кг. цемент ишлаб чиқаришга ёки 1 кв. метр мато тўқишга,
2 жуфт пойабзал тикишга етарлидир.

Агар сиз уйингизда ҳеч ким кўрмаётган телевизорингизнинг ишлаётган ё ишламаётганига, ошхона, қўшни хоналарда, ҳеч ким фойдаланмаётган ваннахонада чироқ ёқиқ ё ўчиқлигига ҳар қанча тежаш мумкинлигига ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

ЭСДА ТУТИНГ: турмушда электр қуввати сарфини камайтириш учун:

рўзғор электр асбобларини мунтазам тозалаб туриш ва улардан инструкцияга мувофиқ фойдаланиш;

ёритгичларнинг плафонлари ва лампочкаларини ўз вақтида тозалаб туриш, дераза ойналарини мунтазам ювиб, артиб туриш, уйни пардозлашга ёрқин тусдаги бўёқларни қўллаш, ички хоналарни оқлаш;

газ билан разрядланувчи тежамли ёритиш манбаларини қўлланиш лозим.

ЎРТОҚЛАР! Электр қуввати-бебаҳо бойлигимиз. Ҳар бир киловатт-соат электр қувватидан оқилона фойдаланиш — умумхалқ иши.

Агар сиз ишда бўлганингизда бекорга ишлаб турган электр асбоблари ёнидан лоқайд ўтиб кетмасангиз, қурилиш майдонларида прожекторларнинг, цехларда электр ёритгичларнинг мақсадсиз ёниб турганини кўриб бепарво бўлмасангиз тежамкорликка қатта ҳисса қўшасиз.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР! Ишда ва уйда тежамкорлик бўлингиз! Электр қувватидан нотўғри ва ўринча фойдаланилаётгани фактларини сезсангиз бепарво ўтиб кетманг. Бу ҳақда дарҳол Ўзгосэнергонадзорга хабар қилинг. Телефонлар: 33-48-17, 33-29-56, 33-76-28, 33-78-60.

«УЗГОСЭНЕРГОНАДЗОР»

КИТОБСЕВАРЛАР ДИҚҚАТИГА!

17 — «ОБУНА НАШРЛАРИ» МАГАЗИНИ

АДИБЛАРНИНГ ТАНЛАНГАН АСАРЛАРИГА ОБУНА ЎТКАЗАДИ:

БИКОВ В. 3 жилдли.
МАЛЬЦЕВ Е. 3-жилдли.
ОСЕЕВА В. 4 жилдли.
СОКОЛОВ — МИКИТОВ И. 4 жилдли.
ТРИФОНОВ Ю. 4 жилдли.
ФЕДОРОВ Ю. 4 жилдли.

Бай пули 1 сўм.

1985 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ТАНАФФУССИЗ ОБУНАЧИЛАР ОЛДИНДАН РЎЙХАТГА ОЛИНАДИЛАР.

Барча ҳоҳловчиларни ютуқлар ўйналишида қатнашишларини сўраймиз. Бунинг учун паспорт эгасининг уй адреси, фамилияси, исми, отасининг исми, аниқ ва равшан ёзилган почта открыткаси ва маҳаллий пропискаси бўлган паспорт ёнингизда бўлмоғи керак.

Бир оила учун бир киши рўйхатга олинади.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари гувоҳномалари бўйича навбатсиз рўйхатга ёзилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ютуқлар 21 декабрь куни соат 18.00 да ўйналади. Ютуқли абонементлар 22,23 ва 24 декабрь кунлари соат 10.00 дан 19.00 гача берилади.

Улуғ Ватан уруши инвалидлари 22 декабрь соат 10.00 дан 12.00 гача рўйхатга олинадилар. Ютуқлар соат 12.00 да ўйналади.

ЮТУҚЛИ АБОНЕНТЛАР 22, 23 ВА 24 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ БЕРИЛАДИ.

МАГАЗИНДА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР ЭРКИН СОТИЛМОҚДА.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ 7 дан 14 жилдгача, баҳоси арзонлаштирилган. Ҳар бир жилд баҳоси 3 сўм.

РУСЧА—ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ, 2 жилдли. Баҳоси 24 сўм 10 тийин.

Маълумотлар олиш учун телефон: 44-57-41.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/XII да **Корсар**, 21/XII да **Флория Тоска**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/XII да **Ўғрини қароқчи урди**, 20/XIIда **Отелло**, 21/XII да **Куёв**.

кино

19 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАГРАТИОН» — **Санъат саройи** (катта зал 17.00 20.00; телефонлар: 44-21-34, 44-21-44, 44-21-74), **Ватан** (21.00), **Чайка** (17. 20.00 телефон 77-06-20).

«БЎРИ УЯСИ» (ўзбек тилида) — **Санъат саройи** (кичик зал 17, 19.30).

«ҲАЛОКАТГА МАҲКУМ ЭТИЛГАН КОННИНГ ТОНГГИ» — **К. Ёрматов номли** (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Нукус** (18.30 20.00 телефон 46-70-69).

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ, ҚИЗЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда),

«ҚАРШИ ЗАРБА» — **Искра** (16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«СПОРТЛОТО-82» — **М. Шайхзода номли** (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

20 ДЕКАБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БАГРАТИОН» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефонлар: 44-21-34, 44-31-44, 44-21-74), **Чайка** (11, 14, 17, 20.00; телефон: 77-06-20), **Нукус** (11, 14, 17, 20.00; телефон 46-70-69).

«БЎРИ УЯСИ» (ўзбек тилида) — **Санъат саройи** (кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30).

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАР САРИ» — **К. Ёрматов номли** (11, 14, 17, 20; телефон 24-22-66).

«ГАГРАДА ҚИШ ОҚШОМИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Тошкент Советининг 50 йиллиги** (тоқ соатларда, телефон 78-47-25).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Ватан** (21.30).

«ТУРМУШГА ЧИҚМАНГ ҚИЗЛАР» — **Москва** (тоқ соатларда).

«ҚАРШИ ЗАРБА» — **Искра** (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«Главташкентстрой» «Строймеханизация» трестининг

2-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

минорали кран машинистлари тайёрлайдиган

4,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар рус тилида, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўтказилади.

Стипендия — 75 сўм.

18 ёшдан ошган қизлар ва Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб қайтган йигитлар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Жанубий-Ғарбий саноат зонаси (метронинг «С. Раҳимов» станцияси, 122, 103-автобусларнинг «7-автопарк» бекати).

Тошкент Давлат университетининг ректорати ва жамоат ташкилотлари катта ўқитувчиси Т. В. Солиҳовга отаси

Вали Муҳамедович СОЛИХОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Узглавстройдревпром» Республика ремонт-қурилиш созлаш бошқармаси коллективи бошқарма бошлиғи Ш. В. Солиҳовга отаси

Вали Муҳамедович СОЛИХОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

пайшанба

19 ДЕКАБРЬ

● МТ I

18.00 «Известия» газетасининг совғаси учун хоккей бўйича халқаро турнир. ЧССР—Канада терма командалари. Танаффус пайтида (19.30)—«Дунё воқеалари».
20.25 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп сериялы телефильм премьераси. «Искра» дан...» туркумидан, 1900—1907 йиллар. 2-фильм — «Биз — большевикларминз».
21.30 «Время».
22.00 М. Равель. «Вальс».
22.20 «Известия» газетасининг совғаси учун хоккей бўйича халқаро турнир. Швеция — СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Пластилиндан ясалган қарға». Мультфильм.
19.00 «Музикали киоск».
19.30 Ритмик гимнастика.
20.00 «Товарлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари, реклама».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати ва кубоги.
21.30 «Время».
22.00 «20 декабрь». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «ВЧК».
23.05 И. Гайдн. 98-симфония.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Саҳий ўрмон». Мультфильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол менинг тақдиримда».
19.00 «Жўжани фақат кузда саналмайдилар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.15 «Кўтарилган елканлар шаҳри». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бахт тароналари». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ягона сиёсий кун». «Озиқ-овқат ресурсларини тежаб-тергайлик».
22.35 «Раиснинг ўғли». Бадиий фильм.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Зоология. Балиқчилик ва беликқ бойликларини муҳофаза қилиш.
18.50 «Спорт кинопанорамаси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қишлов — масъулиятли давр». Оҳангарон райони чорвадорлари ҳузурида.
20.15 «Қорли тоғлар кимни кутмоқда». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 Реклама.
21.00 Ўзбек мактабларида рус адабиёти. В. Маяковский. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).

жума

20 ДЕКАБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «20 декабрь». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия — «ВЧК».
10.45 «Боку. Уруш йиллари». Телефильм премьераси.
11.35 И. Дунаевский тароналари.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қадрдон ўтмиш». Ҳужжатли фильмлар: «Янги саҳифалар», «Авлодлар ахбороти учун».
16.00 «Рус тили».
16.30 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
17.00 «Ерда, самода ва денгизда».
17.30 «Беш йилликлар байроқдорлари». Илмий-оммабоп фильм.
17.50 «А. Гайдар қаҳрамонлари —экранда». «Ҳарбий сир».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқ куйлари.
19.45 «Ҳаётимиз программаси». КПСС МК лойиҳаларини муҳокама қиламиз. КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг ўринбосари К. Н. Брутенц сўзи.
20.10 Мультфильм.
20.20 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». Кўп сериялы телефильм премьераси. «Искра»дан...» туркумидан. 1900—1907 йиллар. 3-фильм—«Самодержавиега қарши кураш».
21.30 «Время».
22.05 «Салют, фестиваль!» кўрсатуви саҳифаларида.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Умрингиз узоқ бўлсин». Телефильм.
9.35 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
10.05, 14.00 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
10.35 Ф. Лист музикаси.
11.35, 12.35 А. С. Пушкин. «Дубровский». 9-синф.
12.05 Илмий-оммабоп фильм.
13.10 XVIII аср охири — XIX аср. нинг бошларида рус санъати.
14.30 Россияда 1905—1907 йилларгаги революциянинг 80 йиллигига. Партия ҳақида ҳикоялар. «Эски дунёдан воз кечамиз».
15.15 Вс. Вишневский — коммунист ёзувчи.
16.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Тунис қўшиқлари ва рақслари».
19.15 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи.
19.45 Ҳужжатли фильм.
20.15 М. Глинка. «Тугалланмаган соната».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Оғир атлетика бўйича СССР чемпионати ва кубоги.
21.30 «Время».
22.05 «Эртак ҳақида ўйлар». Телефильм.
22.20 «Известия» газетасининг совғаси учун хоккей бўйича халқаро турнир. Финляндия — Швеция терма командалари. 2 ва 3-даврлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қария», «Сеҳргар темирчи». Мультфильмлар.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади».
19.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Саволларингизга жавоб берамиз». Ўзбекистон телевидениеси халқаро шарҳловчиларининг Тошкент область Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози меҳнаткашлари билан учрашуви.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «042 қаерда!» Бадиий фильм.
19.20 «Қирғовуллар». Телефильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ритмик гимнастика.
20.05 «Параллел чанғилар». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Витим қирғоғи». Телефильм.
21.00 «Яхши кайфият хизмати» (рус.).
21.30 МТ II

---

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
19 ДЕКАБРЬ, 1985 й.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; вилоятлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12697. А—2290. Индекс 64690 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.